



# Korxonona boshqaruvi fani

Bajardi:Xusanova G.S

**Мавзу: Маҳсулот ишлаб чиқаришда таннарх,  
фойда ва рентабеллиги**

## ***Режа:***



- 1. Қиймат ва таннарх назарияси, ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришнинг илмий асослари***
- 2. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ни ҳосил қилувчи харажатларни гуруҳлаш.***

## **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:**

Ишлаб чиқариш харажатлари, цех харажатлари, завод харажатлари, фойда, рентабеллик, таннарх, амортизация, калкуляция, фойда, даромад, харажатни камайтириш йуллари, классификация.

**1- савол. Қиймат ва таннарх  
назарияси, ишлаб чиқариш  
сарфларини камайтиришнинг  
илмий асослари**

## Қиймат ва таннархга иқтисодчи олимларнинг фикрлари:

- товарнинг қийматини унинг натижалилиги билан боғлиқ;
- товар қиймати – товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати;
- товарнинг қийматини ушбу товарга бўлган талаб ва таклиф, яъни товарнинг ноёблиги белгилайди
- Қийматнинг формуласи  $Қ = T_{нарх} * T_{сон}$**

Умуман олганда, товарнинг қиймати унинг бошқа товарга айирбошлана олиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Нарх (баҳо) ва қиймат тушунчалари орасида деярли фарқ йўқ. Нархни қиймат белгилайди.

Фақатгина **нарх (баҳо)** – бу товар қийматининг пулдаги ифодасидир холос.

- Иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи категориясидан ҳам кенг фойдаланилади.
- Қиймат ва ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут ишлаб чиқариш субъектининг даромади ёки фойдаси ҳисобланади.
- **Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи** – маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

**Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари деганда** товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади.

**Ишлаб чиқариш сарф -харажатлари таркибига:**

- хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар;
- ёнилги ва энергия учун қилинган харажатлар;
- асосий капитал амортизацияси;
- иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради.

Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси **маҳсулот таннархини** ташкил қилади.

**Бошқарув соҳасидаги роли  
бўйича харажатлар икки гуруҳга бирлаштирилган:**

**а) ишлаб чиқариш  
харажатлари;**

**б) муомала  
харажатлари.**

**Ишлаб чиқариш харажатлари**

Иш ҳақи	Хом ашё хараж атлари	Ёнилги ва мойлаш материал ларига харажатлар	Аморти зация ва х.к.з
------------	-------------------------------	---	-----------------------------

**Муомала  
харажатлари**

Кўшимча муомала харажатла ри	Соф муомала харажат лари
---------------------------------------	-----------------------------------

*Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари кўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушум суммасидан қопланади.*

*Соф муомала харажатлари (сотувчи маоши ва бошқалар) маркетинг истеъмолчилик талабини ўрганиш) реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади*



Ҳозирги замон сарф-харажатлар ғояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин.

### Ишлаб чиқариш харажатлари



Ташқи харажатлар	Ички харажатлар
Ишчи кучига сарфлар	Бино-иншоот амортизацияси
Хом-ашё харажатлари	Машина-ускуна амортизацияси
Енилги-энергияга харажатлар	Ижара хаки
Транспорт-алока хизматларига харажатлар	Карз пул маблаглари ва унинг учун фонизлар
Банк тижорат хизматлари учун сарф харажатлар	Меъёрдаги фойда

Ишлаб  
чиқариш  
ҳажмининг  
ўзгариши  
**доимий ва  
ўзгарувчи**  
харажатлар  
га боғлиқ

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариш ёки ортиши) боғлиқ бўлмаган товарларнинг ҳажмига таъсир этмайдиган харажатлар **доимий харажатлар дейилади.**

**Ўзгарувчи харажатлар** ишлаб чиқариладиган товар миқдорини ошишига ёки камайишига таъсир қилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқликда ўзгаради

**Доимий харажатлар:**  
(FC)

- Корхона тўлов мажбуриятлари;
- Солиқлар;
- Амортизация ажратмалари;
- Ижара ҳақи;
- Қуриқлаш хизмат харажатлари;
- Бошқа ходимлар маоши ва ҳ.к.

**Ўзгарувчан харажатлар:** (VC).

- Хом-ашё;
- Материал;
- Ёнилғи;
- Транспорт хизмати;
- Ишчилар иш ҳақи ва шу кабилар учун харажатлар

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар **йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади.**

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф харажатларни ҳисоблаш учун **ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар** тушунчаларидан фойдаланади.

● **Ўртача умумий харажатлар (AC)** ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган товар миқдорига нисбатан тенг. ( $AC = TC/Q$ )

● **Ўртача доимий харажатлар (AFC)** доимий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. ( $AFC = FC/Q$ )

● **Ўртача ўзгарувчан харажатлар (AVC)** ўзгарувчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. ( $AVC = VC/Q$ )

- **2- савол. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларни гуруҳлаш.**

**Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини  
аниқлаш ва уни ҳосил қилувчи харажатларни  
туркумлаш мамлакатимизда Ўзбекистон  
Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан  
тасдиқланган «Маҳсулот  
(ишлар, хизматлар)ни  
ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг  
таркиби ҳамда молиявий натижаларни  
шакллантириш  
тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга  
оширилади.**

**Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннаرخини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:**

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқарилиб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларининг харажатлари қуйидагича туркумланади:**

<p><b>1.Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар қуйидагича туркумланади:</b></p>	<p>а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; в) ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.</p>
<p>2.Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда <u>Давр харажатларига</u> киритиладиган харажатлар:</p>	<p>а) сотиш бўйича харажатлар; б) бошқарув харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар); в) бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.</p>
<p>3.хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагича туркумланади:</p>	<p>а) фоизлар бўйича сарфлар; б) чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар; в) кимматли коғозларга қуйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар; г) молиявий фаолият бўйича бошқа сарф-харажатлар.</p>

**4. *Фавқулотда зарарлар одатда туркумланмайди.***

- **Таннарх**-бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғиндисидир.
- $T_n = Mx + A + Ix$
- Бу ерда:
- **M**-Материал харажатлар
- **A**-амортизация харажатлари
- **Ix**-иш ҳақи харажатлари



## Таннарх режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
- Маҳсулот таннархини калькуляция этиш;
- Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
- Товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.



## Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагиларни ташкил этади.

1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат.  $1 \text{ сўм ТМ} = T_n / T_M$
2. Таққосланадиган маҳсулот таннархи.
3. Маҳсулот бирлигининг таннархи.

□ Харажатларни харажат моддалари бўйича ҳисобга олиш, у ёки бу маблағ тури қандай мақсадларга сарфланаётганлигини билиш, маҳсулотнинг айрим турлари таннархини калькуляция қилиш, таннархни камайтириш резервларини аниқлаш имконини беради.

□ Калькуляция маълумотлари хўжалик ҳисоб-бини мустаҳкамлашда, иқтисод қилиш тартибига риоя қилишда, иқтисодий таҳлил йўли билан маҳсулот таннархини камайтириш резервларини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

□ Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда таннархга ўтказиш нуқтаи назаридан харажатлар бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади. **Бевосита харажатлар деб**, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига тўғридан-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади. Масалан, технологик мақсадлар учун сарфланган хом ашё ва асосий материаллар, ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг асосий меҳнат ҳақи ва бошқ.

□ Билвосита, яъни эгри харажатлар деб, ҳисобот ойи давомида йиғиб-тақсимловчи счётларда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан унга қўшиладиган харажатларга айтилади. Кўпгина саноат корхоналарида бундай харажатларга умумцеҳ ва бошқа ишлаб чиқариш сарфлари киради.

# **1. Фойда ва уни максималлаштириш**

## Фойда ва унинг вазифалари :

- ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидан олинган иқтисодий самарани тавсифлайди, чунки у сўнгги молиявий натижани ифодалайди;
- турли даражадаги бюджетларни шакллантиради;
- ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва бу борада иқтисодий дастак ва стимул ролини ўйнайди;
- илмий – техникавий, ташкилий ва ижтимоий ишларни амалга оширишга имконият беради.

**1. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари**

**2. Маҳсулот таннаرخини  
пасайтиришнинг манбалари ва  
омиллари**

**Ишлаб чиқариш рентабеллиги  
корхона (фирма) иши  
самарадорлигини  
умумлаштирувчи кўрсаткичлардан  
бири булиб, корхонанинг даромад  
олиш даражасини ифодалайди**

# Рентабелликнинг турлари:

- сотиш рентабеллиги;
- асосий фаолият рентабеллиги;
- хусусий капитал рентабеллиги;
- асосий капитал (фондлар) рентабеллиги;
- перманент капитал рентабеллиги;
- айланма капитал рентабеллиги;
- қарзга олинган капитал рентабеллиги;
- реал асосий капитал рентабеллиги;
- инвестирлашган капитал самарадорлиги.



**Корхона ёки тармоқ фаолиятини таҳлил этиш учун резервлар иккига бўлинади:**

- **ташкилий-техникавий резервлар;**
- **ижтимоий-иқтисодий резервлар.**

# Таннарх режасининг бўлимлари:

- Маҳсулот таннархини пасайтириш режаси;
- Маҳсулот таннархини калькуляция этиш;
- Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси;
- Товар ва сотиладиган маҳсулот таннархининг ҳисоби.